



## САДРИДДИН АЙНИЙ АСАРЛАРИДА ФРАЗЕОЛОГИК БИРИКМАЛАР БАДИЙ ТАСВИРНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

Давронова Мавлуда Зиядуллаевна,  
СамДУ катта ўқитувчиси

**Таянч сўз ва иборалар:** тилишнослик, фразеологик бирикма, умумистеъмолий фразеологик бирликлар, услугб, нутқ жараёни, таҳлил, лексик қатлам, бадиий асар тили.

Фразеологик бирликлар алоҳида сўзларнинг бир маънодаги воситаси сифатида аниқ мавхумни ифодалаб, тўлиқ тарзда синтактик вазифани адо этадилар. Тоҷик адабий тили минг йиллик шарафли ўтмишга эга бўлиб, саноқсиз фразеологик бирликлардан иборатдир. Ижод аҳли ўз дунёқараши ва теран фикрлашига мувофиқ бу тугалланмас хазинадан фойдаланиб, бир томондан уларнинг ўрни ва нуфузини адабий тилда мустаҳкамлаган бўлсалар, иккинчи томондан шева ва лаҳжалардан адабий тилга олиб кириш йўли билан уларнинг сонини бадиий тилда кун сайн кўпайтиридилар. Шу жиҳатдан ҳар бир адаб ижодиётидаги фразеологик бирликларнинг тадқиқ этилиши ҳам ёзувчи маҳоратини аниқлашда, ҳам давр адабий тили хусусиятларини ўрганишда илмий аҳамиятга молик ҳисобланади.

Агар сўз бадиий асар тилининг ҳалқона хусусият касб этишига оид бўлса, лексик қатламлар қаторида фразеологик бирликларнинг мавридили фойдаланганлиги ҳам илмий аҳамият касб этади. Зоро, бу “ҳалқ оғзаки ижодиёти гули” ёзувчи тилининг ҳақиқатдан ҳам ҳалқона сиймоси ва манзарасини ифодалаб беради.

Тилишнослик нутқ жараёнида ҳосил бўладиган (вужудга келган, ташкил топган) иборалар қаторида бошқа турдаги иборалар ҳам мавжуд бўлиб, улар нутқ жараёнида вужудга келмай, балки тайёр воситалар сифатида мавжуд бўлиб, ўзининг тарихий барқарор шакл ва аниқ қолипига эга ҳисобланади. Масалан, “қориннинг танбур чалиши” меъёридан ортиқ оч қолиш маъносида, “терисига сиғмаслик” ҳаддан ортиқ хурсандлик ва шодликдан киноя, “киприк қоқмаслик”

ухламаслик ва шунга ўхшаш бошқа мисолларни келтириш мумкин.

Бадиий асар фразеологик бирликлари таҳлили куйидаги омилларни қамраб олади: ёзувчи файдаланган фразеологик бирликларнинг таркибий қисмларини аниқлаш; ёзувчи фойдаланган манбаларни аниқлаш; адабнинг бу воситалардан фойдаланиш маҳоратини кўрсатиш; айнан фойдаланганми ёхуд шакл ва маъно жиҳатдан ўзгартирилган шаклда ишлатилганлик даражасини аниқлаш; асарда ишлатилган фразеологик бирикмаларнинг услугбий вазифалари ва шунга ўхшаш бошқа омиллар.

Бу таҳлил тарзи илмий воқеликдан ҳосил бўлади, зероки бадиий асар ва газеталарда ишлатилган фразеологик бирликлар турли йўллар билан юзага келади. Моҳир ва ҳунарманд ёзувчилар фразеологик бирикмаларни нафақат тайёр ва мавжуд шаклларда, балки маъно ва қолип жиҳатдан ўзгартирилган шаклларда, услугб ва таъсирчанлик жиҳатдан ҳам ўзгача қолипда фойдаланадилар, зероки улар вужудга келиши жиҳатидан ҳалқнинг яшashi, урф-одати, дунёқарashi ва ақлу заковати билан чамбарчас боғлиқдир.

Професор Б. Камолиддиновнинг фикрича, “Фразеологик бирликларда маъно жуда нозик, ёпиқ, лекин ранг-баранг ва жозибали ифода этилади. Уларнинг услугбий вазифаси ўша нозик ва ранг-баранглик табиатидан келиб чиқади.

Фразеологик бирликлар аломат, хусусият, ҳолат ва мавзу маъносини ошкорлик билан, тўғри ифода этмаган ҳолда рамзу киноя билан, бадиийлик ҳамда бадиий тасвир воситалари ёрдамида: мажоз, муболаға, истиора, ташбех ва шунга ўхшаш образли



ифодаланади. Шу хусусияти билан бошқа маънодош бирликлардан фарқ қилиб туради” (4.с.90).

Тожик бадиий адабиёти фразеологик бирликлари тожик услубшунослари, жумладан Н.Маъсумий (С.Айний ижодиёти мисолида), Р.Фаффоров (Р.Жалил ижодиёти мисолида), Б.Камолиддинов (Х.Карим ижодиёти мисолида) тадқиқотларида ўз ечимини топган.

Тожик тилида фразеологик бирликлар бадиий адабиётда С.Айний асарларида бошқаларга нисбатан кўпроқ ва етарли даражада фойдаланилган. Диққатга сазоворлиги шундаки, фойдаланилган фразеологик бирликлар захираси ниҳоят бой бўлиб, манбалари турличадир. Устоз С.Айний фразеологик бирликларнинг турли хилларини ўринли ва мавриди фойдалангандиги билан бирга тожик адабий тилининг миллийлик даражасини оширган. С.Айнийнинг ўзи икрор бўлишича у адабий фаолиятининг бошланишида фразеологик бирликлардан камроқ фойдалангандиги, аммо ўттизинчи йиллардан сўнг, хусусан машхур рус ёзувчиси М.Горький асарлари билан танишганидан кейин тилнинг бу воситасидан керакли даражада фойдалангандиги.

С.Айний фразеологик бирликларни турли манбалардан, яъни классик адабиёт тилидан, шева ва лаҳжалардан, бошқа тиллардан – араб, ўзбек ва ҳатто рус тилидан олиб ишлатган экан. Агар биз С.Айний ижодиётини фразеологик бирликлардан фойдаланиш даражасини ҳам миқдор жиҳатдан, ҳам сифат жиҳатдан бошқа тожик адилари ижодиётидан сезиларли даражада устун қўйсак, умуман муболаға бўлмайди. Айнан шу сабабдан ҳам эрон донишманларидан бири С.Айнийнинг “Эсадиклар” (Ёддоштҳо) асарини араб алифбосига асосланган форсча алифбода нашр этиш вактида, эрон ўқувчиларига номаълум ва тушунарсиз бўлган фразеологик бирликларни алоҳида рисола сифатида нашр этган.

Тадқиқот мазмунига мувофиқ С.Айний асарлари фразеологик бирликларини услугуб таносуб жиҳатдан қуидаги қисмларга ажратиш мумкин.

**1.Умумистеъмолий фразеологик бирликлар**, яъни услугуб жиҳатдан ўртacha (мўътадил), жумладан, қўлга киритиш-ўзиники қилиб олиш, ўзининг ихтиёрига (тасарруфига) киритиш; *пайхаслаш*- ҳис этиш, тушуниш; қўлдан кетиш-ўз молини бой бериш, ўзгалар ихтиёридаги молни ўзиники қилиб олиши; *тишинг изидан тушиши*- бирор ишни бошлашга азм қилиш; қўз юмиши- эътиборга олмаслик; қўзга тушиши – ҳисобга олиш; ҳисобга кетиш, ҳисобга кириш. Мазкур мисоллардан маълум бўладики, фразеологик бирликлар ўзининг атрофидаги умумистеъмолий адабий сўзлар билан услугуб жиҳатдан мувофиқлаши меъёрий адабий тилда ёзилган матннинг таркибий қисмини ташкил этади. Шунинг учун ҳам уларни умумхалк лексик синонимлари билан алмаштириш мумкин. Масалан, қўлга киритиш ёхуд қўлга олиш, ўзиники қилиб олиш, пайхаслаш, тушуниш, ҳис этиш ва бошқалар.

Бу каби фразеологик бирликлар лугавий синонимлардан нафақат ўзининг завқлилиги, ҳис-ҳаяжони, таъсирчанлиги билан, балки нозик маъноси жиҳатидан ҳам фарқ қиласди.

**2. Оғизи фразеологик бирликлар (халқона)**. Бу турдаги иборалар биринчи гуруҳдаги ибораларга маъно жиҳатдан зид бўлиб, услугуб жиҳатдан холис ва мўътадил хисобланмайдилар. Улар оддий ва халқона нутқга мисол бўлиб, ёзув ва сўзлашувда киноявий оҳанглар ва сомантик маъноларнинг хосил бўлишига асос бўладилар. Шу жиҳатдан уларда завқлилик, ранг-баранглик ва ҳис-ҳаяжонга таъсирчанлик даражаси юқори бўлади.

Бу турдаги бирикмалар тасвирда ижобий ва салбий ҳолатларни тасвирлаш учун катта бадиий аҳамиятга эгадир. Масалан: *Оғиз сувининг оқиши*- ҳавас қилмоқ, ҳавасманд бўлиш; *терига сизмаслик*- ҳаддан ортиқ хурсанд бўлиш;



қориннинг танбур чалиши- хаддан ортиқ оч қолиш; бирон киши томогини мойлаш- пора бериш; сув қилиб ичиши- ўрганиш, бутунлай ўрганиш; юракка совуқ сув уриши - ноумид бўлиш, қўл тортиш; оёқни осмондан келтириши-бировга қаттиқ зарба бериш ва шунга ўхшаш юзлаб мисоллар келтириш мумкин.

“Оёқни осмондан келтириши”. Бу фразеологик бирлик омма сўзлашувда дағал ва хурматсизлик маъносини англатиб, бирон шахс ва нарсага нисбатан салбий ва душманлик муносабатни (баъзан ҳазил ва шўхлик учун) ифодалайди. Сўзловчи фикри асосини, яъни кимга ёхуд нимага қаратилганини мазкур фразеологик бирликнинг асосий сўзи – “линг” (оёқ) сўзидан англаш мумкиндири. Устоз Айний “Судхўрнинг ўлими”(Марги судхўр) повестида мазкур сўзни “Князлар” га нисбатан ишлатган бўлиб, у ёрдамида сиёсий мазмун кашф этган. Бу билан асар қаҳрамонининг амирлик ва подшолик тузилишига нисбатан салбий муносабатдалигини аниқ тарзда очиб берган: Большевиклар князлар оёқларини осмондан келтиради.

“Сув қилиб ичиши”. Бу ибора бирон касб ва ўрганиш предметининг хусусият ва моҳиятини бутунлай ўрганиш маъносини англатади. С.Айний мазкур иборани Раҳими Қанд номли персонаж нутқида фойдаланган бўлиб, унинг ўз-ўзини ўзи таърифлаш хусусиятини аниқ ва ёрқин тарзда тасвирлаган: Мен у билан ўн йил хизмат қилганим сабабли “шашмақом”ни сув қилиб ичдим, меҳмондорчиликка мени ўзи билан олиб борадиган бўлди.

Бу каби иборалар бадиий ранг- баранглик ва эмоционал хусусиятлари билан бирон шахс ёхуд бирон амалиётни тасвирлаш учун бадиий хусусият касб этиб, мақсадни завқли ва таъсирили тарзда ифодалайди.

**3. Китобий фразеологик бирликлар.** Бу турга қуйидагиларни келтириш мақсадга мувофиқдир: оёқдан отиши- ўртадан олиш, барҳам бериш; панжса уриши - зарба бериш, хужум қилмоқ, қиём қилиши-хужумга тайёрланиш; юрак эшигини очиши- фикри изҳор этиш;

ўзининг мақсадини баён этиш; қуллик юкини тортиши- ўзгалар зулми ва тазиқидан умргузаронлик қилиш; ўз номусини поймол тарзда кўриши- ўз шаъну шарафини поймол тарзда кўриш.

Бу ва буларга ўхшаш иборалар одатда дабдабали сўзлашувда ишлатилиб, матннинг бошқа сўзларига боғланиб, матннинг таъсир қуввасини сезиларли даражада орттиради. Устоз С.Айний бу турдаги фразеологик бирликлардан ниҳоятда кўп маротиба фойдаланиб, ижодда ўз мақсадига етган. Жумладан: “бирон нарсани тупрокка уриш” одатда таъсиричанлик ва ҳаяжонли сўзлашувда ишлатилиб, бирон нарсани фанога юз тутиши маъносини англатади. Бу ҳолатда бу изланувчининг манфий муносабатини бирон нарсага нисбатан билдиради. Шахс ё худ шахслар гуруҳи бунга егадирлар. С.Айний буни “тоҷу таҳт” отларига нисбатан ишлатиб, Россия меҳнаткашлар томонидан рус империалистларини барбод қилиниши нозик дид билан тасвирлаган:

*Бу замонда Россия меҳнаткашлари майдонга чиқиб азамат империалистлар ва мансабдорларнинг тожсу таҳтларини тупроққа урдилар, агар тожсик фақирлари ҳам улар раҳбарлигига иши олиб борсалар, муллолар, араббакамоллар, ҳоким ва амирлар зулм этолмайдилар.*

Устоз С.Айний услубининг ўзига хослиги шундаки, мавзунинг мазмунига мувофиқ машҳур китобий фразеологик бирликларга янгидан янги сўзлар қўшиб, бу йўл билан уларнинг ҳам таркиби ва ҳам таъсиричандлик даражасини оширишга муюссар бўлган. Мисол: ...шу билан ҳам араббоб ғазабининг олови ўчмади (Одина, саҳ.191). Яъни, тожик тилида “ғазабнинг пасайиши” ибораси маълум бўлиб, С.Айний бу феъл объектини аниқлаб, буни “ғазаб оловининг сўниши” шаклида ишлатган. Натижада иборанинг адабий китобий мавқеи ошиб унинг бадиий ранг- баранглиги ва таъсиричанлик хусусияти ошган.

**4. Шева фразеологик бирликлари.** Халқ тили билан тенг даражада шеванинг турли кўринишларида кўплаб фразеологик бирликлар кўзга ташланади. Улар адабий



тилга кўшилиб муддаонинг мўъжаз, самимий ва тасвирбоб бўлишига имконият яратиб беради. С.Айний асарларидағи кўплаб фразеологик бирликлар унинг туғилган ўлкаси – Бухоро шевасидан олингандир. Уларнинг баъзиларини келтириш мақсадга мувофиқдир: кишт емоқ (кишт хўрдан) – ҳукумат ёхуд бирон шахс томонидан бирон кишининг таъкиб этилиши: Агар мен туманда бирон кишт есан, Бухорога қолиб бориб шу Махдуми араб хужрасида яшириниб ётар едим; мурч емоқ – алданганлик маъносида. Мен мурч емасдан “мурч еган эдим”; “накав юки” С.Айнийнинг ўзи бу иборани шундай шарҳлаган: халқ истилосини бирон кишига гапирсангиз худди зарар кўрадигандай озгина гапга жаҳли чиқиб ғазабланади, шу накав юки дейилади. Мисол: “накав юки”, “ҳарина” сўзи билан маънодош сифатида келтирилиши Кори ишкамба (коринли) нинг ҳажвий хусусиятларини фош этишда муҳим роль ўйнаган.”Накав юки” одами билан танишиш фикрини кўнглимдан чиқариб ташлаб ўз йўлимдан кетдим.

Бу ва шунга ўхшаш ибораларни Айний ўз мақсади йўлида манфий персонажларнинг кирдикорларини фош этиш ёхуд бирон ноҳуш ҳодиса моҳиятини ечиб бериш учун уларнинг маънодош варианtlарига имтиёз берган.

#### 5. Зарбулмасал, мақол ва шоҳбайтлар классик ашъоридан.

Зарбулмасал ва мақоллар халқ оғзаки ижодиёти маҳсули бўлиб, адаб аҳли бу халқ бойлигини ўз асарларида имкон қадар услубий талабга мувофиқ ишлатиб келган. Бунга ҳаммадан олдин С.Айний азм қилиб, уларнинг кўп миқдорини ўз асарларида ишлатган. Жумладан: “Гумон иймондан ажратади”. Бизнинг халқимиз китобий сўзларни поймол қилиб, гумон юзасидан ўзининг катталарини бадном

этадилар: “гумон иймондан ажратади” деганлар, шунинг учун уларнинг ҳаммаси кофирга айланганлар (Дохунда, сах 305). “Бузоқ мих устидан учиб ўтади”. Сенинг амиринг унинг олдида кандай куч ва манзалатга эга, унинг бир губернаторидан ҳам эмас, “бузоқ мих устидан учади” деганларида Николай устидан учарди, энди у ишсиз қолганда, унинг гапига ким ҳам қулоқ соларди (Дохунда, 223 бет).

“Гуруч давлатидан курмак сув ичади”. Яхши, сиз емайдиган бўлсангиз мен ей, - деб катта хотин набботли пиёлани олдидан олиб илова қилди, - амалда келин учун юборган бўлсалар ҳам “Гуруч давлатидан курмак сув ичади” деган гаплар бор (Ятим, 12 бет).

Таъкидлаш жоизки, устоз С.Айний бу каби зарбулмасал ва мақолларни ишлатиш жараёнида ўзининг ёзувчилик маҳоратидан унумли фойдаланиб, баъзизда гапнинг таъсир қувватини ошириш мақсадида, баъзизда салбий ва ижобий персонажлар нутқидан уларнинг сурат ва сийратларини очиб бериш мақсадида ўз ўрнида ишлатган. Шу билан бирга асарлари тилига мукаммал даражада сайқал бера олган.

Бизга маълумки, С.Айний асарлари фразеологик бирликлари турли манбалардан олинган, зеро улар адибнинг етук мутафаккир, буюк маҳорат эгаси эканлигидан ҳамда унинг асарлари тилининг бекиёслигидан далолатдир. Айний асарлари тили шу даражада содда ва тушунарлики, уни илм аҳлидан бошлиб оддий халқ ҳам муаммосиз тушунади. Аммо айтиш жоизки, бизнинг бу айтганларимиз денгиздан қатрадир, зеро С.Айний асарлари фразеологик бирликларини алоҳида тарзда тадқик этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

#### Адабиёт

1. Айнӣ С. Куллиёт, Чилди I, II, XI, китоби дуюм. – Душанбе: 1970.
2. Мирзоев А. Зарбулмасалҳои тоҷикӣ. – Душанбе: 1999.
3. Камолиддинов Б. Ҳусни баён. – Душанбе: 1989, 90 бет
4. Маъсумӣ Н. Очеркҳо оид ба инкишофи забони адабии тоҷик. – Душанбе: 2013.



5. Шукуров М. Хусусятахой бадеиу ғоявии ”Ёддоштҳо”-и С.Айнӣ. – Душанбе:1981.
6. Гаффоров Р. Забон ва услуби Раҳим Ҷалил. – Душанбе:1966.
7. Ҳусейнов Ҳ. Забон ва услуби “Одина”-и устод Айнӣ. – Душанбе: 1973.

**Давронова М. Фразеологические единицы как важные средства художественных образов в произведениях Садриддина Айни.** В этой статье рассматривается степень использования фразеологические единицы в произведениях основателя персидскоязычного литературного языка Садриддина Айни. В его произведениях фразеологические единицы охватывает в следующих факторах: определить использованных источник писателя, обеспечение мастерство писателя в использованние этих средства и их стилистическая функция. Описание фразеологические единицы писателя в их произведениях на своем месте с учетом языковых и методологических потребностей, а также способствует формированию и совершенствованию литературного языка.

**Davronova M. Phrazeological units as important means of formation of artistic images in works by sadriddin ayni.** This article discusses the degree of use of phrazeological units in the works of the founder of the Persian-speaking literary language Sadriddin Aini. Ainyi uses phrazeological units in his place, taking into account language and methodological needs, and also contributes to the formation and improvement of the literary language.